

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2026, № 3 (15)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Иляс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхуджаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймахаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлевич
Сиёсий фанлари доктори (DSc), доцент
Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби

Гаффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети
Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Бахранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиназарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймухамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Америка технологиялар университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1	Abduvoidova Ruxshonaxon Akramjon qizi SHAYBONIY HUKUMDORLARINING BIRINCHI VA OXIRGI BIRLASHTIRGAN JANG – JOM JANGI	5
2	Abdullayev Akmaljon Hasanboy o‘g‘li MANG‘ITLAR SULOLASI HUKMDORLARINING TASHQI QIYOFASINI TIKLASHDA SUN‘IY IDROKNING IMKONIYATLARI	10
3	Адилов Абдор Анварович ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ (НЭП) ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ДИНИЙ СИЁСАТИ ТАРИХИДАН	16
4	Бабаджанов Хасан Бахтиёрлович ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН ЁҒ-МОЙ САНОАТИ	27
5	Бахранов Шерзад Таштурсунович ЎЗБЕКИСТОН ССРДА БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ИЗЛАНИШ ИШЛАРИ ТУҒРИСИДА	36
6	Габриэльян Софья Ивановна ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ ИРАНА ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XX ВЕКА	43
7	Дорошенко Татьяна Ивановна ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ БЛАГОТВОРИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В ТУРКЕСТАНЕ В ГОДЫ ПЕРВОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ	53
8	Ishanxodjayeva Zamira Raimovna IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA O‘ZBEKSTON XOTIN-QIZLARINING IQTISODIY HAYOTDAGI ISHTIROKI (TOSHKENT SHAHRI VA TOSHKENT VILOYATI MISOLIDA)	62
9	Jabbarova Iqbol Xo‘jamuratovna SUV XO‘JALIGINI BOSHQARISHDA INSTITUTSIONAL ISLOHOTLAR: O‘ZBEKISTON TAJRIBASI	71
10	Kimsanova Ruxshona Xayrulla qizi SEVINCHIXO‘JAXON VA KELDI MUHAMMADXON DAVRIDA TOSHKENT HUKUMRONLIGI	77
11	Mamataliyeva Arofatxon Yuldashali qizi O‘ZBEK MILLIY OSHXONASI VA PALOV AN‘ANASINING MILLIY BREND SIFATIDA SHAKLLANISHI	85
12	Мусаев Нуриддин Умирзакович РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИККА ЭЪТИБОРИНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ	91
13	Musayev Azizbek Baxridinovich MANBALARDA XVII ASR FARG‘ONA VODIYSINING IJTIMOY-SIYOSIY HAYOTI AKS ETISHI	103
14	Nazarov Xumoyun Alisherovich MARKAZIY OSIYO QADIMGI JAMIYATLARI TARAQQIYOTIDA IQLIMIY OMILLAR VA LANDSHAFT TRANSFORMATSIYASI	110
15	Нарбеков Абдикамил Вафаевич ВОПРОСЫ АВТОХТОННОСТИ УЗБЕКОВ В ТУРКЕСТАНЕ	120
16	Normurodov Dilmurod Raxmatullayevich SAMARQAND VILOYATI KATTAQO‘RG‘ON TUMANI “JIZMONSOY” MFY.DAN TOPGAN TANGALAR XUSUSIDA	126

17	Очилдиев Файзулла Бабакулович XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ШАРҚИЙ БУХОРОДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ТАРИХИДАН	144
18	Palvanov Hikmatmatjon Axmatjonovich XORAZM VONASI ANTIK DAVRI METALL HUNARMANDCHILIGINING BA'ZI XUSUSIYATLARIGA DOIR MULOHAZALAR	152
19	Солиев Махмуджон Махамаджонович ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАҚСИМОТИНИНГ ЁПИҚ ТИЗИМИ ИШЧИЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА: ИШЧИ ТАЪМИНОТИ БЎЛИМЛАРИ ФАОЛИЯТИ (1941–1945 йй.)	159
20	Tolibjonov Azizjon Tolibjonovich XORAZMSHOH-ANUSHTEGINIYLAR DAVLATI VA ABBOSIYLAR XALIFALIGI O'RTASIDAGI SIYOSIY ALOQALAR (OTSIZ MAKTUBLARI MISOLIDA)	167
21	Usarov Umid Abdimavlyanovich ROSSIYA IMPERIYA SENATINING A'ZOSI, GRAF K.K. PALEN BOSHCHILIGIDA TAFTISH KOMISSIYASI HISOBOTLARIDA TURKISTON O'LKADAGI YER-SUV MUNOSABATLARINING AKS ETTIRILISHI	174
22	Xakimov Adhambek Ahmadjon o'g'li XIV ASRNING 50-70 YILLARIDA MOVAROUNNAHRDAGI SIYOSIY VAZIYATNI O'RGANISHDA TEMURIYLAR DAVRI MANBALARINING O'RNI	184
23	Xolikulov Axmadjon Boymaxammadovich AMIR HAYDAR HUKMRONLIGI YILLARIDA BUXORO – XIVA MUNOSABATLARI	191
24	Холикулова Шахноза Боймухамматовна ЧИРЧИҚ КИМЁГАРЛАР ШАҲАРЧАСИНИНГ ҚУРИЛИШИ ТАРИХИ	200
25	Юлдашева Шохсанам Юнусали кизи ОСНОВНЫЕ ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ МЕЖПАРЛАМЕНТСКИХ СВЯЗЕЙ УЗБЕКИСТАНА И ТУРЦИИ В 2017-2026 ГОДАХ	207
26	Yunusova Xurshida Erkinovna MAMLUKAT QISHLOQ XO'JALIGIDA ISLOHOTLARNING BOSHLANISHI VA UNING MUAMMOLARI	214

Бахранов Ш.Т.

«Ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий ишлаш» кафедраси ўқитувчиси, PhD

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Sherofkun82@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ИЗЛАНИШ ИШЛАРИ ТУҒРИСИДА

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Совет ҳукумати сиёсатида бағишланган бўлиб, Совет томонидан Ўзбекистон ССР да қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий тадқиқот вазифалари қай даражада бажариб келинганлиги доирасида. Тадқиқот ишида Давлат наслчилик станцияси фаолияти, хусусан, дон ва тоғли ва лалмикор ҳудудларини ўрганиш соҳасидаги илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва йўналиши таҳлил қилинган. Тадқиқотда станция томонидан дон ва бошқа бошоқли экинларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини ошириш ва янги технологияларни жорий этишга ҳисса қўшганлигини исботлайди. Мақолада ушбу тадқиқот институти фаолияти билан боғлиқ муаммолар ҳам таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Совет ҳукумати, илмий тадқиқот институти, қишлоқ хўжалиги, Ўзбекистон ССР, дон, ер, тоғли ва лалмикор ерлар, вилоят, технология.

КИРИШ

Совет давлати ҳукмронлиги йиллари ҳукумат илм – фан ривожланишига маълум даражада маблағ ажратди. Фан ва техниканинг ривожланиши давлат сиёсатининг ғоявий рағбатлантириш берилган асосий йўналиши бўлди. Фан ва техника бутун совет давлати ҳукмронлиги йилларида кенгайиб ривожланиб борди. Ўзбекистон ССР да илмий-тадқиқот институтлари буғдой навларини ривожлантиришга катта қизиқиш билан қараганлар ва буни бир неча муҳим сабаблари бор эди: буғдой асосий озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланган. Аҳоли сони ўсиб бораётгани учун давлат кўпроқ дон етиштиришни стратегик вазифа деб билган. Янги навлар юқори ҳосил бериши керак эди. Натижада Ўзбекистонда қуруқ иқлимга мос, тез пишар ва юқори ҳосилли бир қатор буғдой навлари яратилган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Ўсимликларнинг келиб чиқиши кўплаб совет олимлари томонидан тадқиқ этилди. Улардан бири рус олими Н.И.Вавилов бўлиб, у ва унинг шогирдларини узоқ йиллик ишланмаларидан сўнг ўсимликларнинг келиб чиқиш марказларини 12 та ген марказга бўлдилар. Уларнинг биринчиси Хитой – Япония маркази бўлиб, уларга Хитой, Корея, Япониянинг субтропик

минтақаси киритилди. Бу минтақада соя, буғдой, тарик, чумиза, маржумак келиб чиққанлиги ва яхши ҳосил олинганлигини аниқланди. Олимлар иккинчи турга Индонезия-Жанубий Хитойни, у ерда сули, шакар қамиш, мева ва сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги яхши бўлганлигини, учинчи гуруҳга кирган Австралия марказида шоли, ғўза, тамаки, эвкалипт, тропик дарахтлар ҳосилдорлиги яхши бўлганлигини аниқладилар. Шунингдек, тўртинчи гуруҳга Ҳиндистон киритилди ва у ерда шоли, ҳинд буғдойи, шакар қамиш, ғўза турлари, сабзавот ва мева экинлари, бешинчисига Марказий Осиё маркази (Тожикистон, Ўзбекистон, Афғонистон), у ерда кўк нўхот, мош, ясмиқ, нўхот, махсур, хашаки дуккаклар, афғон жавдари, қовун, ғўза турлари, кўп йиллик ўсимликлар, олтинчисига Олд Осиё маркази (Тоғли Туркменистон, Эрон, Кавказ орти, Кичик Осиё, Араб Ярим ороли), бу ердан буғдой турлари, арпа, сули, жавдар, у ерда кўк нўхот, беда, зиғир, сабзавот ва мевали экинлар экилишини аниқладилар. Еттинчи гуруҳга Ўрта Ер денгизи маркази (Миср, Сурия, Фаластин, Греция, Италия ва Ўрта Ер денгизи соҳиллари киритилиб, у ерларда сули, арпа, буғдой турлари, зиғир, карам, лавлаги, сабзи, шолғом, турп, пиёз, саримсоқ, кўкнори, оқ хантал, Африка марказида жўхори турлари, тарик, канакунжут, шоли, буғдой турлари, мойли пальма, дуккакли экинлар, кунжут, кофе, ғўза турлари, Марказий Америкада (Мексика, Гватемала, Гондурас, Панама) маккажўри, ловия, қовоқ, ингичка толали пахта, ширин картошка, махорка, қалампир, кўп йиллик ўсимликларнинг ҳосили яхши бўлганлигини аниқлаганлар. Жанубий Америкада маданий картошка, тамаки, помидор, кўп йиллик арпа, маккажўхори, Шимолий Америкада бўлса арпа турлари, люпин, кунгабоқар, сабзавот ва резавор ўсимликларга бўлиб чиққанлар[1].

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудларида ҳам юқорида келтирилган қишлоқ хўжалик экинлари экилди. Ҳатто, хориждан келтирилган навларни ўзлаштириш, жорий этиш борасида тадқиқот ишлари олиб борилди. Уларнинг кўпи маҳаллий шароитга мос келмаган бўлсада, баъзилари хўжаликлар ва унинг раҳбарларини маъсулиятсизлиги боис ўз вақтида ўзлаштирилмади ёки муҳим натижага эришган навлари ҳам бўлди. Ўзбекистон ҳудудида узок йиллар давомида бошоқли экинлар экиб келинди, маҳаллий навлардан “Сари Магиз”, “Ола бурук”, “Қизил буғдой”, “Нор қизил”, “Оқ буғдой” навлари қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилди. Ўзбекистон ҳудудлари табиий-иқлим шароити баҳорги буғдой экишга мослашганлиги боис бу ерда буғдой баҳорда тиним даврисиз ўсади ва ривожланади ҳамда бунда экин учун қишки тиним даври керак бўлмади.

Ўрта Осиёнинг деҳқончилиқ хусусиятларини ўрганиш мақсадида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида XX аср бошларидан кенг кўламдаги қатор станциялар, илмий – тадқиқот ишлари фаолият юритди. Масалан, Буғдой навларини ўрганиш ишлари 1913 йилда Зарафшон тажриба даласида В. Малигин томонидан лалмикор ерлар учун илмий изланишлар олиб борди. Совет ҳокимияти ўрнатилгач, 1925 йилда Зарафшон тажриба даласи Каттакўрғон тажриба станциясига айлантирилди[2]. Шундан сўнг 1926 йилда буғдой етиштириш бўйича Қамаш тажриба станцияси, шу йили Тошкент

вилоятининг Чирчиқ туманида Шоличилик тажриба станцияси очилди. 1930 йилда Милютинскийда (ҳозирги Ғаллаорол)да тажриба станцияси иш бошлади ва 1937 йилдан бу станция Милютин давлат селекция станцияси деб аталди.

Милютин давлат селекция станцияси 13 та қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан буғдой, ячмень, маккажўхори, тарвуз, қовун, жўхори, зиғир, беда ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини ўрганиб, уларнинг қишлоқ хўжалигининг 50 фоиз ерларига экиладиган 17 тур ўсимликни қишлоқ хўжалигина жорий этди. Уларни орасида буғдойнинг “Қизил Шарқ” нави юқори баҳо олди, арпанинг “Унумли арпа” нави, зиғирнинг “Бахмал-1056”, тарвузнинг “Узун-112” нави, беданинг “Милютин-1774” навлари ном қозонди [3]. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, халқ селекцияси Ўрта Осиёда яхши ривожланган бўлиб, бу ерда ғўза, зиғир, дон, беда, сабзавот, полиз экинлари узоқ йиллар давомида экиб келинди, ток ва мевали дарахтларнинг қимматли навлари яратилди.

Бироқ, Ўзбекистон ССР совет давлати ҳукмронлиги йилларида ғаллачилик бўйича энг қолоқ ўлкалардан бири бўлди. Бу даврларда ғалла етиштириш фақат лалми ерлар ҳисобига амалга ошириб келинди. Иккинчи жаҳон уришидан кейинги йилларда ғалла экиладиган 1,5 млн. га. лалми ерга пахта экилди. Шундай бўсада, Ўзбекистонда 1937-1961 йилларда буғдой навлари 6 маротаба алмаштирилди.

1937 йилда Милютин тажриба станцияси Лалмикор деҳқончилик институтини давлат селекция станциясига айлантирилди. Бу станция Ўзбекистонда мавжуд маҳаллий буғдой навлари ичидан қаттиқ буғдой экини навларини ажратиб олиб, уларнинг қайси тур ва тур хилларига мансублигини аниқлаган ва янги дурагайлар олиш мақсадида Н.Покровский биринчи маротаба селекция ишларини бошлаган. У юмшоқ буғдой навининг 44 та турини аниқлаб берди. Н.Покровский муаллифлигида 1940-1951 йилларда қаттиқ буғдойнинг “Леукурум-837” ва “Менянопус-40100” навлари лалмикор майдон-ларда экиш учун яратилди. 1951 йилда И.М.Юданов томонидан яратилиб, “Қизил Шарқ” ва арпанинг “Унумли арпа” нави яратилди ва республиканинг кўплаб ҳудудларига экилди.

Давлат селекция станцияда 1957 йилда буғдойнинг “Хивит” ва “Псевдотурцик 142-22”, зиғирнинг “Гибрид 115” навлари ишлаб чиқаришда юқори баҳо олдилар. Станция ҳар йили лалми ерларда экиладиган уруғларнинг элита ва суперэлита навларидан 4-5 минг тоннасини етказиб берди. Республиканинг 12 колхоз ва совхозида маккажўхорининг гибрид навларини тажрибадан ўтказди. Станция экспедицияларни ташкил этиш ҳисобига республиканинг турли ҳудудларидан маккажўхорининг турли навларининг уруғларини ҳам йиғиб чиқди. Уларнинг чидамли ва серҳосил навлари гибрид усулида, ҳатто, ўз холича ҳам қишлоқ хўжалигида кўлланилишига чиқарилди [4]. Кейинчалик маҳаллий олимлардан С.Ғ.Ғайбуллаев 1950 йилгача бўлган даврни ғалла экинлари селекциясининг биринчи даври деб атади [5].

Бирок, 1960 йилларда бутун мамлакатда озиқ-овқат, хусусан, ғалла танқислиги сезилди. Бу масала ҳориждан ғалла сотиб олиш ҳисобига бажарилди [6]. Бутун мамлакатда дон етиштириш режаси уч маротаба 1956, 1958, 1964 йилларда бажарилди холос. Натижада, мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларига талаб кучайиб, очарчилик хавф солмасада, лекин озиқ-овқат маҳсулотларига танқислик доимо сезилиб турди. Нон маҳсулотларини харид қилиш учун навбатга туриш ҳолатлари кучайиб кетди. Бу хусусда ҳатто, 1979 йилнинг январь ойида “Правда” газетасига халқдан 16 та хат ҳам келди [7]. Бу каби ҳолатлар илмий – тадқиқот ишларини ҳам оширишни талаб этар эди.

1959 йилда Давлат селекция станцияси Лалмикор деҳқончилик илмий текшириш институтига айлантирилди. 1960 йилда Лалмикор деҳқончилик илмий – тадқиқот институтининг Самарқанд вилоятидаги Каттакўрғон таянч пунктидан дурагай материаллар ва бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтидан бир қанча жаҳон коллекцияси наъмуналари келтирилиб, қаттиқ буғдой селекцияси ишлари қайтадан бошланди. Бунда қаттиқ буғдойнинг энг яхши нави ҳисобланган “Менянопус-40100” нави билан қаттиқ буғдойнинг жаҳон коллекцияси намуналари ўртасида чатиштириш ишлари ўтказилиб, дурагай тизмалар олинди.

1960-1961 йилларда институтнинг марказий тажриба хўжалигида, 1961 йил Қамаши таянч пунктида ўтказилган тажрибалардан кузда экилган “Леукурум-837” нави, эрта баҳорда экиладиган “Менянопус-40100” навлари энг юқори ҳосилдорликка эга бўлган навлар эканлиги аниқланди. Бундан ташқари “Леукурум-2Ф”, “Гордиеформе-95”, “Провинциале-88Ф” навлари суғориладиган ва лалмикор майдонларга баҳорги муддатларда экиш учун яратилган ва республиканинг Ғаллаорол, Қамаши, Чирокчи, Нуробод туманларининг 20-30 минг га. лалмикор майдонларига экилди[8].

1974 йилга қадар лалмикор ерларда деҳқончилик борасида илмий ишлар олиб борилган. Шу кунга қадар лалмикор ерларда деҳқончилик юритишнинг илмий асосини ишлаб чиқиш, лалмикор ерларнинг турли минтақалари учун алмашлаб экиш схемаларини, тупроқ унумдорлигини оширишни агротехник усуллари, тупроқдаги намликини сақлаш ва ундан тежамли фойдаланишда тупроққа ишлов бериш ва уни сув эрозиясидан ҳимоя қилишнинг агротехник усуллари ишлаб чиқилди. Селекция натижасида 4 та нав яратилиб, унинг энг кўп тарқалган нави “Қизил Шарк” нави бўлди.

Бирлашмада 1974 йилдан кейин лалми селекцияси давом эттирилди. Селекцияда илғор усулларни қўллаш натижасида қаттиқ буғдойдан 2 та нав, юмшоқ буғдойдан 5 та нав районлаштирилди, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Шулардан муҳими кейинги йилларда районлаштирилган “Сангзар-6” ва “Оқ буғдой” навлари бўлди[9]. Шунингдек, 1976 йилгача селекционер олимлар Ф.А.Квятковский, И.М.Юданов, Н.В. Покровский, Р.О.Каткова ва бошқалар томонидан маҳаллий навлардан ва чатиштириш орқали гибрид навларни, жумладан, “Трекум-240”, “Трекум-128”, “Трекум-646”, “Трекум-2449”, “Эрнтроспермум-811”, “Эрнтроспермум-1910”, “Ватан” ва “Трекум-752” навлари яратилди[10].

1976 йилда Лалмикор деҳқончилик илмий текшириш институти Ўзбекистон ССР Ғаллачилик илмий текшириш институтига ва 1990 йилдан бошлаб “Ғалла” илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди. 1971 йилда Селекция маркази ҳам ташкил этилди ва у Ўрта Осиё селекция маркази деб аталди. 1976 йилдан Ўзбекистон ССР Ғаллачилик илмий текшириш институти ғалла экинларининг лалмикорликка мослашган навларини, суғориладиган ерлар учун ҳам навлар яратиш борасида илмий ишлаб олиб борилди. Бироқ, илмий-тадқиқот ишлари, лалмикор ерлардаги хўжаликларда алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш масаласи хўжасизлик туфайли ҳал бўлмай қолаверди. Масалан, Ўзбекистон ССРда қаттиқ буғдойнинг “Леукурум-3” экилмай қолди[11]. 1980 йилларнинг охирига келганда жаҳон селекцияси услубларидан, хориждан келтирилган буғдой ва арпа намуналарини ҳар томонлама ўрганиш ва улар асосида дурагайлаш, танлаш асосида суғориладиган ерлар учун буғдойнинг 1990 йилда “Санзар-4” нави яратилди ва бу нав кейинчалик Наманган, Самарқанд вилоятларида экилди. Ўзбекистон ССРнинг жанубий ҳудудларида бир йилда икки марта экиш мумкин бўлган буғдой нави ҳам яратилди[12].

ХУЛОСА

Совет даврида буғдой селекциясига катта эътибор берилиши давлат озиқ-овқат масаласини стратегик аҳамиятга эга деб ҳисоблаганини кўрсатади. Илмий институтлар иқтисодий сиёсатнинг муҳим қисми бўлган. Ўзбекистон ССР нинг қуруқ иқлими ва сув танқислиги олимларни махсус навлар яратишга мажбур қилган. Демак, илм кўп жиҳатдан маҳаллий экологик муаммоларга жавоб сифатида ривожланган. Янги буғдой навлари дон ҳосилини ошириб, ташқи ҳудудлардан озиқ-овқатга қарамликни камайтиришга ёрдам берган. Бу иқтисодий барқарорлик учун муҳим омил бўлган.

ҲОЙДАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўсимликшунослик. Дарслик. – Тошкент. Тошкент Давлат аграр университети, 2004. - 3 бет.
2. Ўзбекистон деҳқончилик – саноат мажмуининг илмий таъминоти. Илмий сессия материллари. Тошкент, 1993 йил, 8-10 сентябрь. II жилд. – Тошкент. Фан, 1995. - 55 б.
3. Ўзбекистон деҳқончилик – саноат мажмуининг илмий таъминоти. Илмий сессия материллари. Тошкент, 1993 йил, 8-10 сентябрь. II жилд. – Тошкент. Фан, 1995. - 55 б.
4. В научно-исследовательских учреждениях // Сельское хозяйство Узбекистана. 1957, - №7, - с. 76.
5. Ўзбекистон деҳқончилик – саноат мажмуининг илмий таъминоти. Илмий сессия материллари. Тошкент, 1993 йил, 8-10 сентябрь. II жилд. – Тошкент. Фан, 1995. - 56 б.
6. Новейшая история отечества. XX век: Учеб.для студ.высш.учеб.заведений: Вып.2. – Москва. ВЛАДОС, 1999. – С. 312.

7. Шубин А.В. От «застоя» к реформам. СССР в 1917-1985 гг. – Москва. РОССПЭН, 2000. - с. 112.

8. Қаршибоев Х., Ғайбуллаев С., Мавлонов Ж. Қаттиқ бугдой экини селекциясининг ривожланиш тарихи // O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi. - №12, 2020. - 25 б.

9. Ўзбекистон деҳқончилиги – саноат мажмуининг илмий таъминоти. Илмий сессия материллари. Тошкент, 1993 йил, 8-10 сентябрь. II жилд. – Тошкент. Фан, 1995. - 18 б.

10. Ўзбекистон деҳқончилиги – саноат мажмуининг илмий таъминоти. Илмий сессия материллари. Тошкент, 1993 йил, 8-10 сентябрь. II жилд. – Тошкент. Фан, 1995. - 55 б.

11. Аманов М., П.Олейник. Результаты исследований в НУУ Среднеазиатского селекцентра по зерновым, зернобобовым, кормовым и масличным культурам за десятую пятилетку // Итоги научных исследований за десятую пятилетку. Труды УзНИИ зерна. Вып 19. – Ташкент. Упр. Пропаганды и внедрения достижений науки, техники и передового опыта МСХ УзССР, 1982. – с.17.

12. Итоги научных исследований за десятую пятилетку. Труды УзНИИ зерна. Вып 19. – Ташкент. Упр. Пропаганды и внедрения достижений науки, техники и передового опыта МСХ УзССР, 1982. – с.14.

Бахранов Ш.Т.

PhD., преподаватель кафедры «Военно-патриотическое, духовно-просветительское воспитание и социальная работа с молодежью» Университет Общественной безопасности Республики Узбекистан

Sherofkun82@mail.ru

ИЗУЧЕНИЕ СОРТОВ ПШЕНИЦЫ В УЗБЕКСКОЙ ССР И НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКАЯ РАБОТА

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена политике Советской власти в рамках выполнения научно-исследовательских задач в сфере сельского хозяйства в Узбекской ССР. В работе проведен анализ деятельности государственной селекционной станции, в частности, координирование и направление научных исследований в области зерна и изучению предгорных районов. В исследовании обосновывается, что институт способствовал увеличению производства зерна, повышению его качества и внедрению новых технологий. В работе также анализируются проблемы, связанные с деятельностью данного научно-исследовательского института.

Ключевые слова: Советская власть, научно-исследовательский институт, сельское хозяйства, Узбекская ССР, зерно, местность, предгорный район, область, технология.

Bahranov Sh.T.

PhD., lecturer at the department of «Military-patriotic, spiritual and educational
education and social work with youth
University of public safety of the Republic of Uzbekistan
Sherofkun82@mail.ru

STUDY OF WHEAT VARIETIES IN THE UZBEK SSR AND SCIENTIFIC RESEARCH WORK

ABSTRACT

This article is devoted to the policy of the Soviet government in the framework of scientific research tasks in the field of agriculture in the Uzbek SSR. The paper analyzes the activities of the state breeding station, in particular, the coordination and direction of scientific research in the field of grain and the study of foothill areas. The study proves that the institute has contributed to increasing grain production, improving its quality and introducing new technologies. The paper also analyzes the problems associated with the activities of this research institute.

Key words: Soviet government, scientific research institute, agriculture, Uzbek SSR, grain, terrain, foothill region, region, technology.